

## ЎРТА АСРЛАРДА НАСАФ ВОҲАСИ ИЛМИЙ – АДАБИЙ ҲАЁТИ

Асилбек Хўжаёров

Қарши давлат университети тадқиқодчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7952562>

**Аннотация.** Ушбу мақолада ўрта асрларда Насаф воҳасидаги илмий – адабий муҳити тарихи ва унда фаолият кўрсатган ижодкорлар ҳақида маълумот берилади.

**Калит сўзлар.** Насаф, “Мажлиси тадрис”, илмий конгресс, адабий мажлислар, араб тили, форс тили, Абул Мутиъ Насафий

X аср охирларида яшаган географ Муқаддасий Насаф шаҳрида ўтказилган бир “Мажлиси тадрис” ҳақида ёзиб қолдирган. Муқаддасий ўша давр олимларининг ўз илмий ишларини тарқатиш ва ёйишда қўллайдиган икки усули ҳақида сўзлайди, одатда, фикҳга оид суҳбат ва бахслар масжидларда ўтказилган. Шу билан бирга, олимлар ўз уйларида ёки махсус работларда маърузалар ташкил этганлар. Буни ўрта асрдаги илмий конгресс десак, фикр аниқроқ бўлади. Илмий конгресс мажлиси тадрис узоқ давом этган, унга одатда чет эллардан ҳам олимлар таклиф этилган. Мажлиси тадрис усули олимларнинг илмий ишларига, янги тадқиқотларига баҳо бериш йиғинигина бўлиб қолмай, уни бошқа мамлакатларга ёйиш имконини берган. Чет эллардан таклиф этилган олимлар маълум биршаҳарга келар экан, мунозара ташкил этиш, ўзи билган ва бахслашишни истаган олимларни тўплаш ҳуқуқига эга бўлган.

Профессор Абдуқодир Ҳайитметов ўрта асрлар илм-фанидаги ўзига хос жиҳат ҳақида гапириб, унинг адабиётшуносликда ҳам даҳли борлигини қуйидагича кўрсатади. “Адабий мажлислар, адабий мунозара ва суҳбатлар ўрта асрларда адабиётшунослар, шоирлар ва адабиётга яқиндан қизиқувчи барча кишилар учун адабий ижод устида, адабий асарлар устида фикр алмашиш учун матбуот бўлмаган заммонларда адабиёт тараққиётида бундай йиғилишларнинг аҳамияти жуда катта бўлди. Шунинг учун ҳам ҳоким синф идеологиясини адабиёт орқали ҳам халққа сингдирмоқчи бўлган подшолар у даврларда шоирларни ўз саройига йиғиб, уларнинг адабий тўпланишларига ҳам маълум даражада эътибор берди. Бунинг исботи учун биз сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, хоразмшоҳларнинг саройларидаги адабий йиғилишларини эслаб ўтсак кифоя”. Муқаддасий Насафга X аср бошларида мажлиси тадрисга келган арабистонлик мутаазалийлар йўлбошчиси Абул Қосим Кабаий ҳақида хабар беради. Абул Қосим Кабаий Насаф ва умуман Моварауннаҳр олимлари билан фикрлашиш, тил илмига доир лекциялар ўқиш учун келган [1].

Моварауннаҳрда X асрда бўлган “Мажлиси Тадрис”нинг Насафда ўтиши, унда исломнинг нуфузли намоёндаларнинг келиши бу шаҳарнинг ўша даврдаги илмий ва маъданий мавқейини кўрсатадиган далиллардан ҳисобланади.

Муғуллар босқинига қадар Насафда илм-фан ва маданият анча юқори поғонага кўтарилган. Шаҳар, бу даврларда Самарқанд ва Бухоро билан рақобат қила оладиги даражага етади. Маълумки, Сомонийлар даври Ўрта Осиё халқлари тарихида муҳим ўрин тутди. Сомонийлар ҳокимиятини бошқарган йилларда илм-фан ва адабиётга катта эътибор берилган. Бу эса Бухоро ва унга қўшни бўлган жойларда ҳам маъданият тараққиётига катта таъсир кўрсатади.

Ҳокимият тепасига Сомонийлар келгач, араб тили аста-секин ўз ўрнини форс тилига бўшатиб бера бошлайди. Форс тили энди илм-фан ва бадиий адабиёт тили сифатида

майдонга чиқади. Бу даврда яшаган бухоролик, самарқандлик, насафлик шоирлар ўз асарларини ана шу тилде ёзадилар. Ўзбек адабиёти тарихида кўп асрлардан буён анана бўлиб келаётган зуллисонаинлик-ўзбек ва форс-тожик тилларида ижод этиш илдизи шу даврга тўғри келади [2].

X – XI асрларда араб тили ҳали маълум таъсирга эга эди. Бухоро, Самарқанд шаҳарларида маҳаллий туркий аҳолидан чиққан олимлар, адиблар араб тилида илмий-бадий асарлар яратишда давом этаётган эдилар. Бу асрларда насафлик зиёлилар фаолиятида ҳам араб тили катта рол ўйнаган. Бу жиҳатдан Нажмиддин Насафий, Хофизиддин Насафийларнинг илмий мероси характерлидир. Бир вақтлар лотин тили Европа учун илм-фан тили бўлиб қолганидек, ўрта аср Шарқида араб тили маълум муддат шу вазифани бажара бошлайди.

X аср охирларига келиб туркий сулола – Қорахонийлар сомонийлардан ҳокимиятни тортиб олади. Қорахонийлар Ўрта Осиёдаги эронийлар ҳукмронлигига барҳам берган бўлса ҳам, маданий ҳаётда айтарли ўзгариш ясай олмади. Академик В. В. Бартолд “мамлакатнинг турклар томонидан босиб олиниши маданий ҳаётнинг умумий шароитларига кўрсатадиган оқибатидан қатъан назар, маданий эволюциянинг табиий жараёнини тўхтатиб қола олмади”, деб кўрсатади. Табиийки, бунда ислом дини катта рол ўйнаган эди. Қорахонийлар исломнинг давомчилари эди, бу эса уларнинг сомонийлар устидан ғалабасини таъминлашда жуда қўл келади [3].

Қорахонийлардан бўлган турк ҳукмдорлари даврида форс тилида ижод қилиш анъана тусини олган эди. Турк ҳукмдорлари форсий тилда ижод қилувчи шоирларга раҳнамолик қилар, ҳатто ўзлари ҳам бу тилда шеърлар ёзар эдилар [4].

Қорахонийлар даврида таомилга кирган бу хилдаги “маданий сиёсат” кўп вақтларгача ўз таъсирини сақлаб келди. Чунончи, XI – XIV асрларда яшаган бир қанча қашқадарёлик адиблар (масалан, Шаҳобиддин Насафий, Нажмиддин Насафий, Ҳаким Сўзаний, Хофизиддин Насафий, Зиёуддин Нахшабий) асосан форс тилида ижод қилдилар. Шу тариқа, форс тилидаги адабиётнинг ривожига туркий халқлар ҳам катта ҳисса қўшади. Насафнинг XI – XII асрларда ҳам фан оламига таниқли кишилар етказиб берганлиги маълум. Бунда Нажмиддин Насафий ва Ҳаким Сўзаний номларини алоҳида тилга олиш лозим бўлади. Нажмиддин Насафий XII асрнинг биринчи ярмида яшаган тарихнавис, фикхшунос олим, шоир ва тилшуносдир. Нажмиддин Насафий шеърияти у машғул бўлган фаннинг давомидек илмий асарларни ҳам шеърий йўл билан ёзган. Арузда ёзилган “Хилофият достони” бу жиҳатдан характерли. Бу асар арузнинг мураккаб ражаз баҳрида ёзилгандир [1].

X – XII асрларда Қарши Ўрта Осиёнинг гавжум шаҳарларидан бири даражасига кўтарилди. Лекин, XIII асрнинг бошларида юз берган мўғул-татарлар ҳужуми Ўрта Осиёда ривожланган бошқа шаҳарлар қатори Насафни ҳам ўз гирдобига тортади, вайрон қилади.

X-XII асрлариккан шоирлар, олимлар анъаналарни давом эттирди, дейишимиз бежиз эмас. XI асрларда Насафдан етишиб чиққан шоирлар, олимлар анъанга кўра, асосан форс тилида ижод этишган. Чунки, Муқаддасий таъкидлаганидек, узоқ асрлар мобайнида Бухоро ва унга қўшни бўлган жойларда туркий тил билан бир қаторда қадимий суғд тилининг бир қанча шевалари истеъмолда бўлиб келганки, бундан Насаф аҳолисининг маълум бир қисми мустасно эмас эди [5]

Қашқадарёда адабий ҳаётнинг шаклланиши ўзбек адабиётининг умумий тараққиёти тарихи билан чамбарчас боғлиқ. IX – X асрлардаёқ Насафда ёзма адабиёт намуналари вужудга келган эди. IX асрнинг охирлари, X аср бошларида яшаган Абул Мутиъ Насафий араб тилида дидактик бадий асар яратади. XI асрда етишган насафлик шоир Шаҳобиддин Насафий (Шаҳобий) форс тилида ижод қилиб, Салжуқийлар салтанатининг шухратли шоирлари қаторидан ўрин олади [1].

IX асрнинг охирлари – X аср бошларида шакланган ёзма адабиётнинг илк вакилларида бири Абул Мутиъ Насафийдир. Абу Макхул Мутиъ Насафий сомонийлар ҳокимиятининг охирги даврларида яшаб ижод қилган. У ўз замонасида шоир ва адиб, донишманд сифатида шухрат тутган.

Абу Макхул Мутиъ Насафий ҳақида биографик ва ижодий маълумотлар тўлиқ сақланиб қолмаган. Уша давр традициясига мувофиқ араб тилида ижод қилган Абул Мутиънинг ҳижрий 318, милодий 930 йилда вафот этганлиги маълум. Шоир ва адибнинг ўз замонида таниқли аллома бўлганлиги унинг бизга қадар етиб келган “Ал лўлийят фи мавоиз” (“мулклар марвариди”) асари мисолида кўринади. Мазкур асар ибратомуз руҳдаги ҳикоятлардан, дидактик характердаги шеърлардан, донишмандлик билан суғорилган ҳикматлардан ташкил топган асар ҳисобланади.

Абул Мутиъ асари араб тилида яратилган. Кейинги асрларда ҳам Абул Мутиъ ижодига қизиқиш катта бўлган. Буни Ленинграддаги М.Е.Салтиков-Шчедрин номидаги халқ кутубхонасининг Шарқ қўл ёзмалари бўлимида сақланаётган таржималар далолат этади. Маҳмуд ибн Ҳасан ибн Қози Ораж “Ал лўлийят” асарини 1835 йилда араб тилидан форсчага ўгирган. Қози Ораж таржимасини котиб Муҳаммад Шариф ибн Мир Солиҳ Кораторий кўчирган. Ана шу қўл ёзма кутубхона фондида ПНС – 18 рақами остида сақланыпти. Қози Оражасарни форс тилига “Маямин ат-таржуман ва мунис ал инсон” деган номда ўгиради.

Абул Мутиъ Насафий асари форс тилига таржима қилингандан 33 йил ўтгач, унинг ўзбекча таржимаси ҳам яратилади. “Ал Лўлийят”нинг ўзбекча таржимаси бевосита оригиналдан эмас, юқорида айтилган Қози Ораж “Мунисал инсон” асари асосида бажарилган, Ўзбекча нусханинг таржимони номаълум, асарнинг 1868 йилда кўчирилганлиги маълум. Ўзбекча таржимада ҳам “Мунис ал инсон” номи сақлаб қолинган. Ленинградда, кутубхона қўлёзмалар бўлимида Абул Мутиъ Насафий асарининг ўзбекча таржима нусхаси ТНС-16 рақами билан қайд этилган. Абул Мутиъ Насафий ахлоқий-дидактик ҳикоятларда тўғрилиқ, ҳалоллик, ростгўйлик, яхшилик, илмга интилиш ғояларини улуғлайди [1].

Хуллас, IX аср охири – X аср бошларида Насафда ёзма адабиёт шаклланди. Насаф воҳаси ижодкорлари ўз фаолиятларини дастлаб араб тилида, кейинчалик эса форс тилида олиб боришган. Бу ижодкорлар Нахшабий, Насафий, Қарший каби тахаллуслардан фойдаланишган.

### References:

1. Равшанов П. Адабий Саҳифалар. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1985. – Б.17.
2. Бартольд В.В. Соч., т. 2, ч. 1. – М., 1963. – С.247.
3. Бартольд В.В. Соч., т. 2, ч. 1, М., 1963, 247-бет.
4. Стеблева И.В. Развитие тюрских поэтических формы XI веке. – М., 1971. – С.4.
5. Бартольд В.В. Соч., т. 2, ч. 1. – М., 1964. – С.465.